

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

**Машарипова Маҳбуба Машрабовна,**  
**Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси**  
*E-mail: mahbuba@mail.ru*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг тутган ўрни, аҳамияти ва ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳамда иқтисодий ҳолатлари таҳлил этилиб уни ривожлантириш учун таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Аннотация:** В статье проанализированы роль и значение сельского хозяйства в экономике Республики Узбекистан, экономическое состояние, доля в ВВП страны на сегодняшний день, автором даны предложения и рекомендации по её развитию.

**Abstract:** The article analyzes the role and importance of agriculture in the economy of the Republic of Uzbekistan, the economic situation, the share in the country's runway for today, the author gives suggestions and recommendations for its development.

**Калит сўзлар:** ижтимоий, ялпи ички маҳсулот, инфратузилма, маҳсулот ҳажми, аналитик ҳисоб.

### Кириш

Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси бозор муносабатларида шаклланаётган бир пайтда, иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ер кодекси», «Кооператив (ширкат) хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 4 та қонуни мулкдорларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериш билан бир қаторда мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги субъектларини шаклланишига сабаб бўлди.

Натижада қишлоқ хўжалиги бошқаруви, хўжалиги юритиш шакллари, деҳқончилик тизими, ишлаб чиқариш, сервис хизмат кўрсатиш, рақобатчилик ва улар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб, бозор иқтисодиёти муносабатларида шаклланиб ривожланиб бормоқда. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига фан-техника ютуқларини, илғор ва тежамкор технологияларни, кичик ва хусусий тадбиркорликни жорий этиш, энг асосийси ишбилармон, ўқимишли иқтисодчи – ташкилотчи мутахассисларни етишиб чиқаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аввало иқтисодий ислоҳотларни тезкор бозор муносабатларида жорий этиш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, ернинг мелиоратив

ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида техника ва технологиялардан изчил фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида инфратузилмадан мукамал фойдаланиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, меҳнат бозорини ташкил этиш, янги иш ўринларини барпо этиш, қишлоқларга саноатни киритиш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш. сотиш механизминини ишлаб чиқиш, замонавий чет эл технологияларини амалиётда қўллаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, инветицияларни жалб қилиш ҳисобига, маҳсулот ҳажминини ва сифатини ошириш, мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш олдимиздаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Қишлоқ хўжалигинини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоулар ўз изланишларида қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда ривожлантириш стратегияси бўйича олиб борилаётган ислохотларни Хитой тажрибаси асосида тадқиқ этишган бўлса[1], И.Н.Буздалов Россия давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ислохотлари тўғрисида[2], И.Санду қишлоқ хўжалигини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари ва унинг самарадорлиги тўғрисида[3], И.Г.Ушачев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ва уларни давлат дастурига киритиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган[4].

Маҳаллий олимлардан А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти ва уни самарадорлигини ошириш бўйича[5], Ғ.Х.Қудратов қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ғалланинг озик-овқат сиёсатида тутган ўрни ва уни етиштирилиши ҳамда ғаллачиликдаги иқтисодий мунасобатлар бўйича[6], А.М.Жўраев мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги бўйича олиб борилган иқтисодий ислохотлар тўғрисида[7], қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжалигилари фаолиятини режалаштириш бўйича Р.Ҳ.Ҳусанов, Р.Дўстмуродов[8], Қ.А Чориев, Н.С Хушматов[9] лар илмий изланишлар олиб борганлар.

Ушбу қайд этилган илмий ишлар агро-иқтисодиёт фанига муайян даражада ҳисса қўшиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг самарадорлиги муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим аҳамият касб этсада, ҳозирги иқтисодиётни жадал ривожланиши шароитида юзага келадиган илмий муаммоларнинг юқорида келтирилган иқтисодий адабиётларда етарлича тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзу бўйича тадқиқот олиб боришга асос бўлди.

### **Тадқиқот методологияси**

Товар ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар ишлаб чиқаришда рўй берадиган ҳодисаларни иқтисодий баҳолаш имконини беради. Мақолада авваламбор, ялпи ички маҳсулот, уни аҳоли жон бошига тўғри келиши, ялпи ички маҳсулотда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ҳамда ялпи ички маҳсулотининг тармоқлар бўйича тузилмаси каби

кўрсаткичларни статистик гуруҳлаш усулидан ва тармоқ фаолиятини таҳлил қилиш, хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш йўлларини белгилаш мақсадида аналитик ҳисоб усулларида ҳам фойдаланилган. Бу усуллар ёрдамида кўрсаткичларни таркибини, бир-бирига боғлиқлигини, кўп йиллик ўсиш тенденцияларини, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истиқболларини аниқлаб беради.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг йирик тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, икки функцияни бажаради. Бунда аввало, озиқ-овқатга бўлган аҳоли эҳтиёжини ва саноатни хомашёга бўлган талабини қондиради. Бугунги кунда мамлакат энгил ва тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 60 фоизи пахта толаси ва қолган қисми жун, каноп, пилла ва кимёвий толаларга тўғри келади. Мева, сабзавот, полиз ва ёғ-мой маҳсулотларини, сут ва гўшти қайта ишлаш саноати ҳам мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобига фаолият кўрсатмоқда.

Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланиши, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи билан боғлиқ бўлиб, ушбу соҳа кўп молиявий ресурсларни талаб қилмайдиган юқори самара берадиган тармоқ ҳисобланади ҳамда бозор муносабатларида ривожланиш учун асосий омилдир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни самарадорлигини ошириб бориши ўз навбатида бу маҳсулотларни қайта ишлаш тизимларини ривожлантиришни, тармоқ тизимлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг объектив зарурийлигини келтириб чиқаради.

Айни кунда ушбу соҳаларнинг ривожини ва муваффақиятини таъминловчи асосий буғин маҳаллий хомашёни қайта ишловчи тармоқлар ҳисобланиб, бевосита бу тармоқлар ривожланиш негизида бошқа тармоқлар интенсивлигини таъминлаш ва уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш имкониятлари яратилмоқда.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й. <sup>1)</sup>
1	2	3	4	5	6	7	8
Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)	62388,3	78764,2	97929,3	120861,5	145846,4	171808,3	199325,1
Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (минг сўм)	2184,3	2684,6	3289,0	3996,3	4741,8	5489,3	6258,6
ЯИМда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми (млрд. сўм)	12352,9	15299,8	18798,5	22963,7	27551,4	31430,4	35081,2

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумотлар

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Республика ялпи ички маҳсулот ҳажми 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 3,2 баробар ўсиб, 199325,1 млрд. сўмга

етди. Ушбу ижобий натижага кўра, 2016 йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 6258,6 минг сўмга тўғри келиб, 2010 йилга нисбатан 2,9 баробар ўсган. Бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошаётганлигидан далолатдир.

Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2010 йилда 12352,9 млрд. Сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 11,6 фоизга ошиб 35081,2 млрд. Сўмга тенг бўлди. Натижанинг бундай ижобий тус олиши албатта, қишлоқ хўжалиги бўйича ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ва инфратузилманинг ривожланиб бораётганлигидандир.

Қишлоқ хўжалиги келажакда фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий манба бўлиб қолмасдан балки, агросаноат мажмуасининг барча тармоқларини қўшиб олиб бориш ва энг асосийси иқтисодиётнинг лоеомотиви бўлган саноат тармоқларининг ривожлантириш асоси бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода таъкидлаш жоизки, 2005 йилларда республикада ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг улуши 29,5 %ни, саноат маҳсулотлари ҳажмининг улуши 29,1 %ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичлар ҳукуматимиз томонидан олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун олиб борилган саъйи-ҳаракатлар ўз самарасини берди (2-жадвал)

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг тармоқлар бўйича тузилмаси**

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й. <sup>1)</sup>
1	2	3	4	5	6	7	8
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100	100	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19,8	19,4	19,2	19,0	18,9	18,3	17,6
Саноат (қурилишини қўшган ҳолда)	33,3	32,8	32,4	32,4	32,6	33,0	32,9
Хизматлар	46,9	47,8	48,4	48,6	48,5	48,7	49,5
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши	52,5	54,0	54,6	55,8	56,1	56,5	56,9

<sup>1)</sup> Дастлабки маълумотлар

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2-жадвал маълумотларига асосан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,8 %ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 2,2 %га камайиб, 17,6 %га тенг бўлди. Бу ўзгариш мамлакатни аграр иқтисодиётдан саноатлашган мамлакатга айланиб бораётганлигидан далолатдир. Мамлакатимизда хизмат

кўрсатиш тармоқларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2016 йилда 2010 йилга нисбатан 2,6 %га ошиб 49,5 %ин ташкил этди. Бу ўринда республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,9 %га етди.

### **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Хорижий мамлакатлар ва мамлакатимизда тўпланган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, сифатли ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва улар бозорининг шаклланиш жараёнини ўсиб бориши билан хўжалиги субъектлари томонидан иқтисодиётни бошқариш омилларининг аҳамияти ҳам ортиб боради. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизими ва унинг алоҳида тармоқларига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш зарурати сақланиб қолади. Шу маънода ҳозирги кунда бутун дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан меваларни етиштириш ва уларни импорт қилиш халқаро миқёсда аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади

### **Хулоса ва таклифлар**

Ишлаб чиқариш даври ва иш даврининг мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини асослайди. Мавсумийлик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техника, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва охир-оқибатда бутун тармоқ самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш натижалари об-ҳаво ва иқлим шароитларига қараб, йиллар бўйича ўзгариб туришини эътиборга оладиган бўлсак, бу соҳада такрор ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечишини таъминлаш ички қўшимча фондларни барпо этиш ва сақлаб туришни талаб этади. Шунинг учун республикада ташкил этилган фавқулодда ҳолларда ишлатиш учун озуқа, уруғлик ва иш ҳақи захира фондларини янада кўпайтириш лозим.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ бўлган инфратузилмага боғлиқ бўлиб, қишлоқ жойларда ушбу соҳага хизмат кўрсатувчи инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадга мувофиқлир.

Бундан ташқари, республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун бир қатор вазифаларни, жумладан:

- қишлоқ хўжалигини керакли ресурслар билан таъминлаш механизмини ривожлантириш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида самарасиз харажатлар олдини олиш;
- қишлоқ хўжалиги тармоғида моддий-техник ресурслар таъминоти тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги тармоғида ресурс тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш тизимларини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. - М., 2001. -68 с.
2. Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). –М., 2000. - 325 с.;
3. Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. –М., 1990. – 73 с.;
4. Ушачев И.Г. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. - М., 2006. – С. 9.
5. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.;
6. Қудратов Ғ.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий мунасобатлар. Монография. –Т.: Иқтисод-молия. 2006. – 250 б.;
7. Қудратов Ғ.Х., Акромов Э. Реформирование сельского хозяйства Республики Узбекистан: Задачи принципы и основы направления реформ. // Сельское хозяйство Узбекистана. –Т.: 2000.- № 6. – С. 2-4;
8. Жўраев А.М., Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы –Т.: Узбекистан, 2002. – 766 с.;
9. Хусанов Р.Х., Дўстмуродов Р. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Андижон тажрибаси // –Т.: Янги аср авлоди. 2008. – 49 б.;
10. Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Дехқон ва фермер хўжалигилари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ, 2002. – 132 б.
11. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2008й. -264 б.